

# ΠΑΒΟΥΧ – ΕΨΑΛΤΡΙΑ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ  
МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

**Султонмурод ОЛИМ**

**НАВОИЙ – ЁШЛАРГА**

Тошкент  
2008

8438

83.3(5Ў)6  
О-49

Дунёда сўзнинг сеҳрли кучи билан одамни, хусусан, ёшларни тарбиялайман, ўзгартираман, унинг хаётига янги маъни киритаман, деб қатъий ишонган икки соҳибни қалам бўлса – бири, борди-ю, бундай ижодкор якка-ягона бўлса – шу Алишер Навоий...

Бу буюк шоиримизнинг ёшларга алоқадор бўлмаган асари бормикан ўзи?

Қўлингиздаги китобни ўқисангиз, Сиз ҳам шу фикрга келасиз, албатта.


Муаллиф қизиқарли ёзиш, ўқувчини зериктирмасликнинг турли-туман ифодавий-тасвирий йўлларини излаганига ҳам шохид бўласиз.

Рисола “Ёшлар йили” Давлат дастури асосида тайёрланди ва чоп этиляпти.

Масъул муҳаррирлар:

Нажмиддин КОМИЛОВ – *филология фанлари доктори, профессор;*

Муҳаммад ҚУРОНОВ – *педагогика фанлари доктори, профессор.*



Олим, Султонмурод.

Навоий–ёшларга/С.Олим; Масъул муҳаррирлар: Н.Комилов, М.Қуронов. – Тошкент: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008. – 104 б.

ББК 83.3(5Ў)6

**Агар Алишер Навоийни авлиё десак – у авлиёларнинг  
авлиёси, мутафаккир десак – мутафаккирларнинг  
мутафаккири, шоир десак – шоирларнинг султони дир.**

**Ислом К А Р И М О В**

## “ЁШЛАР ЙИЛИ”: ТУБ МОҲИЯТ

### ЁШЛИКНИНГ “ЁШ”И

Ҳар бир мамлакат аҳолиси, таркибига кўра, бир-биридан фарк қилади. Масалан, айрим давлатларда қарилар кўпчиликни ташкил этади, баъзиларида – ёшлар. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси иккинчи тоифага киради.

Ёшлар – бизда эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи.

Ҳозир мамлакатимиз аҳолиси 27 миллиондан ошди. Шундан 2007 йил 23 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қатнашиш учун 17 миллиондан зиёд киши рўйхатга олинди. Демак, умумий аҳолининг 10 миллион 360 минг нафарини ҳали 18 ёшга тўлмаганлар ташкил этади.

Ёшлар, яъни 30 ёшгача бўлганлар сони эса 17 миллион 80 минг кишидан иборат. Лўнда қилиб айтганда, мамлакат халқининг қарийб учдан икки қисми, аниқроғи, нақд 64 фоизи – ёшлар.

Ўзбекистонимизда оила ўртача 5 кишидан иборат. Яъни бизда жами 5 миллион 340 минг оила бор. Тимсолий қилиб айтганда, ҳар бир оила ўртача 3 нафардан болага эга. Бу – жуда яхши кўрсаткич. Масалан, Германия Федератив Республикасида оила ўртача 2,5 кишидан иборат. Тимсолий қилиб айтганда, бу ҳар 2 оилада ўртача 1 бола туғилади, дегани.

Бизда ҳар йили 500–600 минг бола дунёга келади. Ҳар йили ярим миллиондан ошиқ бола мактабнинг биринчи синфига боради. Ҳар йили шунча бола умумий таълим мактаби, коллеж, лицейни битиради. Аҳоли сони, ўртача олганда, ҳар 3 йилда 1 миллионга кўпайпти.

Жадид олимларимиздан Абдурауф Фитрат Туркияда ўқиб келиб, 1914 йили “Оила” деган китоб ёзди. Унда, жумладан, ривожланган Ғарб давлатлари халқлари ўз миллатига мансуб аҳолининг кўпайишига интилиб ётгани, ўз тараққиёти тақдирини бевосита шунга боғлаётгани гоёси илгари сурилади. Бу буюк алломаимиз

ўртага ташлаган иккинчи ғоя эса бола тарбиясига алохида эътибор бериш, оила маданиятини юксак даражага кўтариш эди.

Хўш, мамлакатда ёшлар кўп бўлса яхшими, кам бўлсами?

Ҳисоб-китобларга қараганда, 2050 йилга бориб Ғарбий Европада аҳоли бугунгига нисбатан тенг ярмига камаяди. Бу ҳозирданок мамлакатлар олдинга кўпилаб муаммоларни кўйяпти. Айтайлик, меҳнат қилувчилардан кўра пенсионерлар кўп бўлса, яхшими? Ёки ёшлар камайиб кетса, завод-фабрика, бошқа ишлаб чиқариш корхоналари, идораларда ишдан бўшаган жойларга ўринбосар (резерв) кириб келавермаса, бу ёғи қандай бўлади? Четдан – ўзга мамлакатлардан мажбуран ишчи кучи ёллашга тўғри келади, албатта. Бу эса яна бошқа демографик ва талай ижтимоий-сиёсий муаммоларни келтириб чиқараверади.

Ёшлари кўп бўлган мамлакатга келажаги бор мамлакат деб қаралади. Чунки оптимиздан мунтазам равишда ва етарли даражада ишчи кучи етишиб келяпти. Бундай юртда ҳар қанча янги ишлаб чиқариш корхонаси очса ҳам бўлаверади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мухтарам Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда 2008 йилни “Ёшлар йили” деб эълон қилиши бежиз эмас. Бу, айниқса, мамлакатимиз ёшлар юрти бўлгани учун ҳам алохида ва айрича аҳамиятга эга.

Юртбошимиз ўз маърузасида йилни нега айнан бундай атаганини атрофлича таҳлил этиб, жумладан, шундай деди: *«Биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда, авваламбор, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик ҳасил қуриш йўлидаги кенг қўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини муҳим принципал ва ҳал қилувчи даражага кўтарганимиз – ҳалломизга яхши аён».*

Демак, янги замон талаблари даражасидаги ёш кадрлар тайёрлаш – бугун ҳар қачонгидан муҳим. Чунки давлат ва жамиятни ҳали кўп-кўп ишлашга, ёшлар ўртасида мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларни ҳал этишга ундайдиган масала – қанча.

«Буни Президент алоҳида таъкидлади: «Ўз-ўзидан» аёнки, аҳолиимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиши, уларни ҳаётимизда, ҳақиқатан ҳам, ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт».

«Ёшлар йили» Давлат дастурида айнан шу жиддий мақсадларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу Дастурнинг мақсад ва вазифаларини Президент мазкур маърузасида олдиндан аниқ-тиниқ белгилаб берган эди:

– биринчилар қаторида ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳукукий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш;

– мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган умум-миллий давлат дастурларининг ижросини янги босқичга кўтариш, марказда ва жойлардаги бунга жавобгар бўлган идораларнинг масъулиятини ошириш;

– мактаб, коллеж, лицей ва олий таълим муассасаларида олиб бораётган ишларимизнинг сифати ва самарасини, пировард натижасини ошириш;

– йигит-қизларимизнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши ва ишлатиши учун, ўқув даргоҳларини битириб чиқаётган болаларимизнинг ҳаётда ўзига мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар туғдириб бериш;

– ёшларни касб-хунарга ўргатиш ва иш билан таъминлаш;

– ёш оилаларнинг тезроқ оёққа туриб олишига кўмаклашиш.

Биргина охириги вазифага тўхталадиган бўлсак, шу нарса ойдинлашадикки, бу муаммо – мамлакатимиз учун ўта долзарб. Чунки бизда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд. Бу жами оилаларнинг 16 фоизини ташкил этади.

Халқимиз – азалдан болапарвар. Аммо 2008 йилда ҳаммамиз ёшларга қайишамиз, уларнинг келажаги учун янада масъулроқ бўламиз.

«Ёшлар йили» Давлат дастури онг-тафаккуримизда ёшларга муносабатнинг янги даражаларини шакллантиришига ҳеч қандай шакл-шубҳа йўқ. Аммо бунинг учун ҳаммамиз ўзимизни шу хужжат бандлари бекаму кўст ижроси учун масъул билиб ишлашимиз зарур.

Дастур ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган куйидаги тўққиз қисмдан иборат:

– Ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

– Таълим соҳасида илгари қабул қилинган умуммиллий давлат дастурларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш. Бунинг ўзи иккига бўлинади:

(2.1) таълим жараёнини унинг узлуксизлиги ва давомийлиги, иқтисодиётнинг реал тармоқлари ва соҳаларида талаб катта бўлган мутахассислар тайёрлаш нуқтани назаридан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш;

(2.2) таълим муассасаларини куриш ва реконструкция қилиш, уларни мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва зарур коммуникация тизимлари билан жиҳозлаш.

– Таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқоди ва қарашларига эга бўлган ёшларни тарбиялаш. Бу ҳам икки қисмга ажратилган:

(3.1) таълим даражаси ва сифатини тубдан ошириш, педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

(3.2) ёш авлодни юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни етук фуқаролар этиб шакллантириш тизимини янада такомиллаштириш.

– Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг ишга жойлашиши ва меҳнат жамоаларида мослашувига кўмаклашиш чора-тадбирлари.

– Ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлашишига кўмаклашиш.



– Болаларнинг ижодий иқтидори ва қобилиятини барвақт аниқлаш учун шарт-шароитлар яратиш.

– Ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш тизимини яратиш чора-тадбирлари.

– Ёш оилаларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаши учун муносиб уй-жой ва маиший турмуш шароитларини яратиш.

– “Ёшлар йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини, Дастурни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишга қаратилган кенг кўламли ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш.

Дастурда бу йўналишларнинг ҳар бири ижроси бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистонда ҳар йилни бир муайян соҳага йўналтириш ўзига хос бир анъанага айланди. Хўш, бу орқали амалда қандай натижаларга эришиляпти?

Мамлакат ҳаёти билан вобаста умр ўтказаётган ҳеч бир фуқаро бунини сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, муайян соҳа ривожига диққат қилиниб келаётган бу йиллар мобайнида ёшларга эътибор ҳеч қачон назардан қочирилгани йўқ. Аммо 2008 йили ёшларга алоҳида муносабат бўлиши кўзда тутилган.

“Ёшлар йили” Давлат дастури ижроси учун жами 1 триллион 502 миллиард 290 миллион 200 минг сўм ажратилди. Бунинг 1 триллион 430 миллиард 267 миллион 100 минг сўми миллий валютада, 54 миллион 770 минг 400 АҚШ доллари миқдорида хорижий валютада сарфланиши режалаштирилган.

Инсон не-не умидлар билан ерга ниҳол экади. Уни парваришлайди. Бир кун келиб мева бергач, ундан наинки ўзи, балки фарзандлари, келажак авлод бахраманд бўлишини у яхши билади. Мамлакатимиз ёшларини ҳам беихтиёр мана шу нав-ниҳолларга менгзагинг келади. Улар бугун ҳар тарафлама яхши парвариш топса, эртага меваси ширин бўлиши – турган гап.

2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ҳар биримизни фикрлашга, шу йўналишда мулоҳаза юритишга, аниқроғи, бу йилни аини режа асосида ўтказишга ундайди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: “Ёшлар йили”нинг “Ижтимоий ҳимоя йили” билан алоқадорлиги нималарда намоён бўлади?

*Биринчидан*, мамлакатда 30 ёшгача бўлганлар аҳолининг қарийб учдан икки қисмини ташкил этар экан, ижтимоий ҳимояга қаратилган ҳар қандай эзгу ҳаракат қайсидир жиҳатдан ёшлар манфаатларини ҳам кўзлайди. Уларнинг вояга етиши, таълим олиши, касб-хунар ўрганиши, оёққа туриб кетиши учун доимий равишда давлат ва жамият эътибори, муҳофазаси керак.

*Иккинчидан*, “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастурида айнан ёшлар манфаатларига қаратилган кўпдан-кўп амалий тадбирлар кўзда тутилган эди.

*Учинчидан*, “Ижтимоий ҳимоя йили” да ёш оилаларнинг жамиятда тезроқ ўз муносиб ўрни ва мавқеига эга бўлишига кенг йўл очадиган ҳуқуқий асослар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майда қабул қилинган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳам айнан шундай узоқ муддатли мақсадни кўзлайди.

Фармон ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, илк бор расмий никоҳдан ўтган оилалар аъзоларини ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифага қўшди. Тўй қилиши, уй-жой қуриши, таъмирлаши ва харид қилиши (ижарага олиши), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиши, мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиши учун уларга имтиёзли фойзаларда ипотека кредитлари бериладиган бўлди.

Хуллас, 2008 йил олдинги йиллар, хусусан, “Ижтимоий ҳимоя йили” да амалга оширилган изчил ижтимоий сиёсатнинг давоми бўлаётир.

Юртбошимиз тўғри таъкидланганидек: “Бу йўналишда бошлаган улкан ишларимизни давом эттириши, янги поғонага кўтариши, энг муҳими, бугунги кунда долзарб масала бўлмиши ҳаётга кириб келётган ёшларимизнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун замоннинг ўзи олдилмишга янги-янги вазифаларни қўймоқда”.

... Ёшлар, ўрта яшарлар, кексалар...

... Ҳар халқнинг авлодлар ўртасидаги муносабатлари ҳар хил бўлади. Шу маънода қаралса, биз — болапарвар халқмиз. Ёшлар билан боғлиқ шундай бой маънавий-ахлоқий, илмий-бадий меросимиз борки, “Ёшлар йили” муносабати билан унинг асосий қисми ўрганилади, йнгилади, босилиб чиқади, омма ҳукмига ҳавола этилади, деб умид қиламиз.

... Мумтоз адабиётимиз — бу борада битмас-туганмас бир хазина. Биргина Алишер Навоий ижодини шу жиҳатдан бир қайта мутолаа қилсак, қандай буюк бойлик топамиз! Ёки Амир Темурнинг ёшлар билан боғлиқ тузуклари, умуман, буюк Соҳибқироннинг ўсиб келаётган авлод тарбиясига айрича эътибори нафақат миллий тарбиямиз, балки умумбашарий маънавиятнинг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этмайдими?! Бошқа қанчадан-қанча улуғларимиз қолдирган дурдона асарлар-чи?

... Бу бой мерос бизга қимларнинг авлоди эканимизни обдон англашимиз, улар билан дил-дилдан фахрланишимиз учун ҳам, аждодларимиз бу эзгу анъаналаридан бугунги ёшлар тарбияси жараёнида бевосита фойдаланишимиз учун ҳам жуда-жуда керак.

## ИСТИҚЛОЛ ВА НАВОЙИ

... Истиқлол Алишер Навоийга муносабатни тубдан ўзгартириб юборди.

... Аслида, бу муносабат истиқлол арафасидаёқ бошланган эди.

... Ўзи ўша 1991 йил халқимиз ва республикамиз учун бошидан хайрли келган эди. Ҳали собиқ иттифоқ таркибида турган бир республикада илгарилари бирон-бир йил алоҳида ном билан юритилганини ҳеч эслайсизми? Йўқ. 1991 йилни эса Ўзбекистон Президенти аввал-бошдан улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан “Алишер Навоий йили” деб эълон қилган эди.

... Ўшангача Навоийни “улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири”, “ўзбек адабий тили ва адабиётининг асосчиси”, “шеърят мулкининг сул-

тони” деган таърифлар билан шарафлаб келар эдик. Бу зоти шарифга республика раҳбарининг бундай алоҳида эътибори шарофати билан навоийшунос олимлар йиллар давомида айтолмаган “Шамс ул-миллат” (“миллат Куёши”), “маънавий пиримиз” деган ҳақли таърифларни матбуотда очик ишлата бошлади.

Мустақилликнинг биринчи ойи охирларида Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Илмий анжуманлар, учрашувлар, сайллар, концертлар бўлди. Ўзбекистон миллий боғига шоир номи берилди. Унинг энг баланд тепалигида улуғ шоирнинг басавлат ҳайкали қад ростлади. Очилиш маросимида Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов халқ вакиллари олдида ёрқин нутқ сўзлади.

Энг муҳим янгилликлардан бири шу бўлдики, миллий боғда ош тортилди, шоир руҳи покига дуойи фотиҳалар қилинди.

Бунга кечаги кунга солиштириб бўлмас эди. Дазмолланган костюм-шим, оқ кўйлак, таҳи бузилмаган галстук тақиб юрадиган кўп-кўп кишилар сиёсат бирдан бундай миллийлашганини хангманг бўлиб қарши олаётганини уларнинг ўзини тугишидан билиб олиш қийин эмас эди.

1991 йилнинг 7 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига Алишер Навоий номи берилди.

Навоийга муносабат истиқлол даври маънавий сиёсатининг ўзагида турибди, десак, муболаға бўлмас.

Президент Ислон Каримов 2000 йилнинг 22 январидида иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида Алишер Навоий ижодининг миллий маънавиятимиздаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр билдирди. Бу мулоҳазалар Навоийни ёшларга кўпроқ аңлатиш учун ниҳоятда зарур.

*“...Жойларга борганда янги мактаблардаги синфларни кўрсатишади. Шунда адабиёт синфини ҳам кўрсатишиди. Шу адабиёт синфида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш методикаси акс этган экан.*

*Шунда мен бир савол берганимда, кўнгилдагидек жавоб ололмадим.*

Нима учун Навоийни яхши билмаймиз? Ўзбекистонда ўзини ўзбек деган, нафақат ўзбек, ўзбек тилини биладиган маҳаллий миллат вакили бўлган одам Навоийни севиши, севишигина эмас, уни юрак тўрида сақлаб, ардоқлаши лозим.

Оғир кунларда, айтайлик, Навоий меросига суяниши, ундан мадад топиши ҳаммамиз учун керак.

Мен: “Нима учун Навоий шеърларини мактабларда ўргатишда тегишли имконият етишимаяпти?” – деб сўрадим. Жавоб чиқмади.

Навоий асарларини ўқиб тушунадиган болаларни тарбиялашда нега оқсаймиз?

..Мана шу масала, шу муаммони ечишда менга ёрдам берсангизлар, сизлардан бундан ҳам кўра кўпроқ миннатдор бўлар эдим.

Мен қаерда Алишер Навоий шеърларини биладиган одамни кўрсам, ҳавасим келади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, шоир шеърларини эшитганда одам завқланиб кетади-ю, лекин ўзининг заифлигини тушунадики, Алишер Навоий у ёқда турсин, у кишидан олдин ўтган аجدодларимизни ҳам ўқиб, тушунишга ожизмиз.

Гатим тўғрили?

Яъни биз бормиз, улуг, беқийёс, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган мерос бор-у, шу мерос ёнимизда ётибди-ю, шу меросдан баҳраманд бўлиши қўлимиздан келмайди”.

Бу қимматли мулоҳазалар амалда олимларимизнинг Навоийга муносабатини янада теранлаштиради, ҳаммамизни, хусусан, ёшларимизни бу улуг шоир бой меросидан баҳрамандликка даъват этади.

Агар шоир асарларини варақласак, деярли ҳар саҳифасида халқ, эл, улус, юрт, раият деган сўзларнинг меҳр, мурувват, оқибат, саховат, садоқат сўзлари билан узвий боғланиб кетганини кўрамиз.

Ислом К А Р И М О В

### БАШОРАТ

Навойий умрининг охирларида ёзган барча лирик шеърларини тўплаб, тўрт девон тартиб берди. Уни “Хазойин ул-маоний”, яъни “Маънолар хазинаси” деб атади. Шу тўпламга ёзилган “Дебоча”да кичик асарларини нега айнан тўрт китоб қилганини айтиб, уни йилнинг фасллариغا қиёсан амалга оширганини ёзади: “...Аввалги девонниким, туфулият (болалик) баҳори гунчасининг ажиб гуллари ва сигар (Ўсмирлик) гулзорининг боғчасининг гариб чечаклари билан ороста бўлуб эрди, “Ғаройиб ус-сигар” (“Болалик ғаройибликлари”) дейилди. Ва иккинчи девонниким, йигитлигу ошуфталиг ва шабобу олифталиг ёзию даштида юзланган нодир вақойиъ била пийроста бўлуб эрди, “Наводир уш-шабоб” (“Йигитлик нодирликлари”) аталди. Ва учунчи девонниким, васат ул-ҳаёт (умрнинг ўртаси) майхонасида ишқ била шавқ паймонасидин юзланган бадий нишотлар кайфиятин ёзилиб эрди, “Бадойиъ ул-васат” (“Ўрта ёш янгликлари”) от қўюлди. Ва тўртунчи девонниким, умрнинг охирларида юзланган ишқ дарду ранжи фойдалариким, жонсўз оҳ урмоқу жон топиурмоқдурким, анда сабт бўлубтур, “Фавойид ул-кибар” (“Қариллик фойдалари”) лақаб берилди”<sup>1</sup>.

Кейин шоир умрнинг бу тўрт даврини ёшларга бўла тақсимлаб чиқади:

Болалик даври (туфулият авони) – 7-8 ёшдан 20 ёшгача.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 3-жилд. Т.: “Фан” нашриёти. 1988. 18–19-бетлар.

Йигитлик даври (*шабоб замони*) – 20 ёшдан 35 ёшгача.

Ўрта яшарлик даври (*кухулат айёми*) – 35 ёшдан 45 ёшгача.

Қарлик даври (*фусулнинг қиши*) – 45 ёшдан 60 ёшгача.

Ғарбда олимлар буюк сўз усталарининг бадий асарларидаги башоратларни топиб, халққа ошкор этиб келади. Бу “Дебоча” бадий асар эмас. Унда муаллиф ўз умрининг айнан 60 да тугашини олдиндан кўзгуда кўриб, билиб тургандек қилиб ёзади. Ҳолбуки, ўша замонларда ҳам ҳамма 60 йил умр кўравермаган-ку. Навоийнинг устозларидан Лутфий 99 йил яшаган, Жомий ҳам 78 йил умр кўрган.

Шоир 60 ёш ҳақида гап кетганида *умрнинг охирларида* деган бирикмани дадил ишлатади, *жонсўз оҳ урмоқу жон топишурмоқ* ибораларини бемалол қўллайди. Айнан ана шу 45–60 ёш орасини умрнинг киши ҳисоблаб, *кишининг ҳам* (букилган, энкайган) *қад била адам* (йўклик) *йўлига кириб, замон аҳли била хайрбод* (хайрлашув) *қилишидур*<sup>1</sup>, дейди. Худди биров унга 60 йил умр кўришини олдиндан аниқ қилиб айтиб қўйгандай...

Милодий ҳисобда Қуёш тақвими бўйича шоирнинг 60 ёшга тўлишига нақд 37 кун етмади. Ҳаммамизга маълумки, у 1441 йил 9 февралда туғилиб, 1501 йил 3 январда дунёдан ўтди.

## ҲАЁТ

Атрофга бир назар ташланг: ҳаёт қанчалар гўзал! Токи тирик экансиз, юрагингиз уриб турган, кўзларингиз очик бўлса, яшаш сизга шириндан-ширин неъмат бўлиб туюлаверади.

Чиндан ҳам, тириклик – ҳеч қачон қайтиб берилмайдиган бир тортик. Бунини ўйлаганингиз сари, моҳиятини англай бошлаганингиз сайин ҳаёт сизни оҳанрабодек янада кучлироқ ўзига маҳлиё этаверади. Навоий кўнглида ана шундай ўта ҳаётсеварлик туйғулари жўш урмаганми, дейсиз!

Ҳаётсеварлик Навоий учун асосий мавзулардан бири эди. Шоирнинг умумижодида бу гоё бош масала янглиг илгари сурилади. “Сабъайи сайёр”даги машҳур:

<sup>1</sup> Ўша асар, 19-бет.

*Хушдурур боги коинот гули,*  
*Борчадин яхишироқ ҳаёт гули, —*  
деган байтни эсланг.

Кўнглида, хис-кечинмаларида ҳаётга муҳаббат жуш урган бир маҳалда шоирнинг кучли ҳаяжон билан ўқиладиган мана бу рубойи-си қоғозга тушган кўринади:

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,*  
*Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.*  
*Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,*  
*Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.*

Умр — кишига бир боргина тақдим этиладиган неъмат. Лекин рубойи кишининг яшаган йиллари маъносидаги умр ҳақида эмас. Арабча *умр* сўзининг *ҳаёт* деган маъноси ҳам бор. Шоир ҳаёт ҳақида сўзляпти. *Умри азиз* бирикмасини ҳам *умри азиз ёр* деб тушунмаслик керак. Лирик қахрамон азиз ҳаётни жонидан ортиқ (кўп) севди (биринчи мисра). Жон нима бўлибди?! Агар, мабодо, ҳаётга меҳр миқдорини ўлчаш учун сон ишлатиладиган бўлса, лирик қахрамон муҳаббати учун сон етмас эди (иккинчи мисра). *Бирон нарсани севишининг бундан ортиқ даражаси бўлмаса, эй азиз ҳаёт, мен ана ўшандан ҳам кўп севаман сени*, дейди шоир (учинчи ва тўртинчи мисралар).

Рубойида бор-йўғи 13 (*эсон, сен, кўп, севмак, эй, умр, азиз, сон, ҳар, не, он, ортуқ, бўлмоқ*) сўз ишлатилган. Кўпи такрор-такрор қўлланган. Худди ана шу такрорлар рубойи жозибасини таъмин этиб турибди.

Киши учун жонидан ҳам азизроқ нарса борми? Шоир рубойида гапни азиз ҳаётни жондан ҳам ортиқ севишини айтишдан бошлайди. *Жонга оҳангдош сон* ва *он* сўзлари эса ўзига хос бир занжир бўлиб мисраларни ушлаб турибди. Чунки улар қофия тарзида келган.

Рубойи *а-а-б-а* тарзида қофияланган. Қофиядош мисралар эса қофия бўлиб келган сўзлар (*эсондин, сондин, ондин*) ва олти сўзли радиф — *сени кўп севармен, эй умри азиздангина* иборат.

Бу рубойини паст оҳангларда ўқиш кийин. Қофиядош мисраларда қофиядан бошқа барча сўзларнинг радиф бўлиб келиши, фикрнинг



## МУНДАРИЖА

### Биринчи боб

#### “ЁШЛАР ЙИЛИ”: ТУБ МОҲИЯТ

Ёшликнинг “ёш”и .....	4
Истиклол ва Навоий .....	10

### Иккинчи боб

#### ТУШУНЧАЛАР МОҲИЯТИ

Башорат .....	13
Ҳаёт .....	14
Ватан .....	16
Замон .....	18
Кўнгил .....	19
Иймон .....	22
Сабр .....	31
Қаноат .....	37
Ҳаё ( <i>ёки гулнинг ҳам кўзи тушмасин!</i> ) .....	41
Фақр .....	44
Вафо .....	46
Садоқат .....	47
Яхшилик .....	50
Сўз .....	51
Бода ( <i>ёки унинг икки маъноси</i> ) .....	55
Демократия .....	58
Навобахшлик .....	59
Огоҳлик .....	64

### Учинчи боб

#### ҚИЁСЛАР ХОСИЯТИ

Ёшлик ва қарилик .....	66
Мен ва жамият .....	69

Илм ва тажриба (ёки Луқмони ҳақим бунча илми кимдан ўрганди?) .....	73
Нафс, жисм, рух .....	74

### Тўртинчи боб НУҚТАЛАР ВА НУҚТАЛАР

Зукколик.....	77
Мартен Беҳайми, Берунийми ёки Моний?.....	77
Ойнайи Чин .....	78
Навоий шатранж ўйнаганми? .....	81

### Бешинчи боб ҲИКМАТЛАР

Шеърӣ ҳикматлар .....	83
Насрий ҳикматлар .....	97